



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика  
қўмитаси раиси

Б. Бегалов

2020 йил “10” август

## **Ахборот хавфсизлиги бошқармаси тўғрисидаги НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда - Қўмита) Ахборот хавфсизлиги бошқармасининг (кейинги ўринларда - Бошқарма) мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларга амал қилади.

4. Бошқарма ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш, электрон маълумотларни архив сақлови, шунингдек, тармоқ бошқаруви ва техник ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятини Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда - ҳудудий статистика органлари) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бошқарма ўз фаолиятини Қўмита раиси раҳбарлигида амалга оширади.

Бошқарма ўз ваколатига кирувчи вазифалар бўйича Қўмита раисининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича ўринбосарига бўйсунди.

## 2-боб. Бошқарманинг асосий вазифалари

6. Ушбу Низомда қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

**Киберхавфсизлик** - кибермаконда маълумотларнинг яхлитлиги, конфиденциаллиги, ҳамда фойдалана олишлигини таъминлаш;

**Кибермакон** - технологик қурилмалар ва телекоммуникация тармоқлари орқали Интернетда фойдаланувчилар, дастурий таъминот ва хизматларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳеч қандай физик шаклда мавжуд бўлмаган мураккаб муҳит;

**Киберхавфсизлик ҳодисаси** - бу битта операция ёки бир қатор қутилмаган ахборот хавфсизлиги ҳодисалари бўлиб, улар бизнес фаолияти ва ахборот хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин;

**Киберхавфсизлик заифлиги** - таҳдидларни амалга ошириш учун ишлатилиши мумкин бўлган активларнинг ёки бошқаришнинг заиф нуқтаси;

**Киберхавфсизлик таҳдиди** - бу тизимга, шахсга ёки юридик шахсга зарар етказиши мумкин бўлган қирувчи ҳодисанинг потенциал сабабидир;

**Киберхавфсизлик ҳодисасини текшириш** - бу ахборот хавфсизлиги ҳодисаларнинг сабабларини аниқлаш жараёни;

**Киберхавфсизлик экспертизаси (аудити)** - ахборот хавфсизлиги инцидентларини аниқлаш, рўйхатга олиш ва текшириш учун тадқиқотлар ва таҳлил усулларини қўллаш.

7. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*а) ахборот хавфсизлиги соҳасида:*

- Қўмита тизимида ягона ахборот хавфсизлиги сиёсатини белгилаш;

- Қўмитанинг ягона ахборот тизимининг хавфсиз ишлашини (муҳит назорати, дастурий таъминотнинг янги версияларини қўллаб қувватлаш, ахборотни заҳиралаш ва ҳоказо) таъминлаш;

- тармоқдаги ишчи станция ва тизимли дастурий таъминотларнинг хавфсизлиги, ишончлилиги ва уларнинг ўзаро мослик талабларини ишлаб чиқиш;

- Қўмитада Интернет тармоғига уланишни ташкил этиш ва самарали ишлашини таъминлаш;

- ахборот соҳасидаги эҳтимолий таҳдидлар, жумладан юзага келиши мумкин бўлган қутилмаган ҳолат, вазият ва инцидентларнинг ҳамда тизимдан конфиденциал маълумотларнинг мумкин сизиб чиқиб кетишини олдини олиш.

*б) киберхавфсизлик соҳасида амалга оширилиши керак бўлган ишлар:*

- киберхавфсизлик соҳасида тегишли давлат ташкилот ва идоралари билан ҳамкорликни таъминлаш;